

Катталар болани йиғидан чалғитиш, дарди бўлса, уни унутишига кўмаклашиш мақсадида хархаша қилиб йиғлаб турган болага турли ўйинчоқлар ясаб беришади ёинки ҳар хил қизиқарли ўйинлар уюштиришга ҳаракат қилишади. Шу ҳаётий воқеликлар овутомачоқларда қуйидагича ифода топганлиги кузатилади:

Йиғлама, қизим, йиғлама,
Новвотгинам, йиғлама.
Қўғирчоғинг бўйнига
Мунчоқ тақиб қўяман [10].

Хулоса. Овутомачоқлар болалар фольклорининг алоҳида, мустиқил жанри сифатида тан олинган. Халқимиз орасида унинг ўзига хос локал вариантлари учрайди. Бу жанр бошқа халқлар фольклорида ҳам мавжудлиги кузатилади.

Ўзбек болалар овутомачоқларининг наманганча вариантлари шу жанрдаги умумўзбек намуналари контекстида олиб ўрганилар экан, муштарак хусусиятлари баробарида ўзига хос локал белгилари борлиги ҳам кўзга ташланади. Бу локаллик кўпроқ уларнинг тилида, бадиий ифода услубида, образлар оламида намоён экани англашилади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Жаҳонгирова Ғ.** Ўзбек болалар фольклори. – Т.: Ўқитувчи, 1975. – 102 б.; Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – 250 б.; Қурбонова Н. Ўзбек болалар маросим фольклори: филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. – Т.: Фан, 1998. – 96 б.; Авезов С. Санама жанри табиати ва бадиияти. – филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2004. – 24 б.; Сафарова Н.О. Ўзбек болалар ўйин фольклорининг жанрий табиати, генезиси ва бадиий хусусиятлари. – филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2004. – 23 б.

2. **Айтувчи: Улуғбоева Ўлмасбу.** 1941 йилда туғилган. Наманган вилояти, Чуст тумани, Олмос қишлоғи, Бозорбоши маҳалласи, Мустиқиллик кўчаси, 171-уй.

3. **Эгамова С.** Наманган тумани, Миришкор қишлоғи, Турон-Юксалиш кўчаси, 4-а уй.

4. **Айтувчи: Тошматова Наргиза.** 1979 йилда туғилган. Наманган вилояти, Чуст тумани, Олмос шаҳарча, Маданият кўчаси, 9-уй.

5. **Айтувчи: Эгамова Санобар.** Наманган тумани, Миришкор қишлоғи, Турон-Юксалиш кўчаси, 4-а уй.

6. **Айтувчи: Нажмиддинова Фотима.** Наманган вилояти, Минг булоқ тумани, Кичик Жомашуй қишлоғи.

7. **Айтувчи: Нажмиддинова Фотима.** Наманган вилояти, Минг булоқ тумани, Кичик Жомашуй қишлоғи.

8. **Айтувчи: Ёқуббоева Муниса.** Наманган вилояти, Уйчи тумани, Гулзор МФЙ, Зафар Диёр кўчаси, 10-уй.

УДК: 82.091(575.1)-311.6

ЭПИК ҚАҲРАМОН ВА АДАБИЙ-БАДИЙ МУШТАРАКЛИК

ЭПИЧЕСКИЙ ГЕРОЙ И ЛИТЕРАТУРНО-ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ОБЩНОСТЬ

EPIC HERO AND LITERARY-ARTISTIC COMMUNITY

Муродов Ғайрат Некович

БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари доктори

Таянч сўзлар: тарихий роман, роман-дилогия, бадиий концепция, эпик қаҳрамон, адабий-бадиий муштараклик, эпоея.

Ключевые слова: исторический роман, роман-дилогия, художественная концепция, эпический герой, литературно-художественная общность, эпоея.

Key words: historical novel, novel-dilogy, artistic concept, epic hero, literary and artistic community, epic work.

Мақолада П. Қодировнинг “Хумоюн ва Акбар” тарихий романи адабий-бадиий муштараклик муаммоси асосида тадқиқ этилган ва илмий-назарий хулосалар чиқарилган.

В статье рассмотрены проблемы литературно-художественной общности в историческом романе П. Кадырова «Хумоюн и Акбар».

The article deals with the historical novel "Humoyun and Akbar" by P. Kadyrov on the basis of the problem of literary- artistic community and presents scientific and theoretical conclusions.

Кириш. “Юлдузли тунлар” (“Бобур”)нинг бевосита давоми бўлган “Авлодлар довони” (“Хумоюн ва Акбар”)да П. Қодиоровнинг дастлабки тарихий романидаги мавзу, хронотоп, фалсафий-бадий концепция давом эттирилди. Натижада роман-диалогия яхлит ҳолда темурийларнинг уч авлоди (Бобур-Хумоюн-Акбар) ва халқ тарихининг йирик даврини бадий инъикос эттирди.

Профессор У. Норматов қайд этганидай, “Авлодлар довони” – кенг қамровли, тарихий ҳодисаларни, тарихий шахслар тақдирини бадий таҳлил этувчи,... шунингдек, муҳим ижтимоий-фалсафий ғоялар, юсак гуманистик концепцияларнинг туғилиб шаклланиши тўғрисидаги романдир” [1, 437].

Бу асар дастлаб 1988 йили “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинган эди, 1997 йилда, яъни истиқлол даврида муаллифнинг, ўзи ёзганидек, айрим таҳрир ва тўлдиришлар билан чоп этилди. Янги тарихий давр ва унга хос дунёқараш ёзувчи бадий концепциясини тўлароқ акс эттиришга имкон яратиб берди.

Романдаги бадий замон “Юлдузли тунлар”дагига қараганда ҳам кенгрокдир. Унда 1538 йилдан 1605 йилгача – Акбар вафотида қадар бўлиб ўтган воқеалар ёритилган. Бадий вақтнинг, кенгрок олиб қаралганда, бадий хронотопнинг кенгайиши, одатда, романнавис учун қулайлик эмас, бирмунча мушкулот туғдириши бадий ижод тажрибасида кузатилган. Аммо истеъдодли ва тажрибали адиб бу қийин ишнинг уддасидан чиқиб, қахрамон, сюжет, композиция бутунлигига эриша олган.

Муаллиф роман бадий структурасини барпо этар экан, жаҳон, шу жумладан, ўзбек романчилиги тўплаган ижодий-бадий тажрибалардан самарали фойдаланишга интилиб, асарнинг етакчи қахрамонлари (Хумоюн, Акбар)ни аниқ тарихий муҳитнинг иқтисодий, тарихий, ижтимоий, маданий-маърифий оқими ҳудудида тасвирлашга, изчил тарихийликка эришган.

Асосий қисм. Адиб бобурийлар сулоласининг вакили Акбар образини аниқ илмий, тарихий манбалар асосида мозий ҳақиқатига мувофиқ бадий акс эттирган. Жалолиддин Муҳаммад Акбар (1542-1605) – Бобурнинг набираси, Хумоюннинг ўғли. Бобоси каби эрта – 13 ёшидан тахтга ўтирган. Унинг даврида бобурийлар давлати Годовари дарёсигача, Арабистон денгизидан Бенгалия қўлтиғигача бўлган улкан ҳудудни қамраб олган. Марказлашган давлат тузиш мақсадида 1574 йилдан ички ислохотлар ўтказди: қўшинни қайта ташкил этиб, янгидан қуроллантиради. Йирик ер эгалари – жогидорларнинг ўзбошимчалигига қарши бир қанча чора-тадбирларни амалга оширади.

Акбар – буюк давлат арбоби, қувваи ҳофизаси кучли, жасур ва иқтидорли ҳукмдор ва саркарда бўлган [2, 170].

Абулфазл Алломийнинг “Акбарнома”(“Тарихи Акбаршоҳий”), Жавоҳарлаъл Нерунинг “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” китобларида бу улкан тарихий шахс фаолиятига юсак баҳо берилган. Айниқса, Ҳиндистоннинг таниқли давлат арбоби Акбар шахсига катта эҳтиром билан қараган, унинг давлатчилик ва ислохотчилик борасидаги тарихий хизматларини холис кўрсатган.

“Авлодлар довони”даги Акбар образи структураси ўз ҳудудига бадий тимсол (қахрамон, характер)га хос бадийлик унсурларини ҳам, тарихий шахснинг етакчи белги-аломатларини ҳам, адабиётлараро жараён тарихида юзага келган бадиият намуналаридаги ижобий қахрамонларга хос бир талай хусусиятларни ҳам уйғунлаштирган. Акбар образи структурасининг тарихий-генетик манба ва омиллари ҳақида фикр юритганда, энг аввало, бу тарихий сиймонинг шахси, фаолияти, таржимаи ҳолининг асосий қирраларини назарда тутмоқ лозим. Масалага шу нуқтаи назардан қаралса, муаллиф бу образни барпо этишда реалистик адабиётнинг тарихийлик принципларига изчил амал қилган; Ҳиндистон, бобурийлар тарихига оид керакли манбаларни синчиклаб ўқиб-ўрганган ва тарихий хабар, ахборот ва маълумотлардан бадийлик мезонларига асосан унумли, самарали фойдаланган.

Шу билан бирга, муаллиф Акбар образи тасвирида “Юлдузли тунлар”нинг бош қахрамони Бобур характерини яратиш бўйича тўплаган тажрибасидан ҳам фойдаланган.

Чунки Акбарнинг бобоси Мирзо Бобур билан нафақат қон-қариндошлик ришталари, балки феъл-саҳия (тантилиқ, довюраклик), фаолият (подшолик, саркардалиқ), ислохотчилик (Бобур янги ёзувни ихтиро қилиб, амалда қўллашга ҳаракат қилган, темурийлар орасида биринчи бўлиб ўзини шоҳ деб эълон қилган, Акбар эса бир қанча иқтисодий, маъмурий, ҳарбий, диний ислохотлар ўтказган) каби хусусиятлар боғлаб-туташтириб туради.

Тўғри, Акбар бирмунча белги-хусусиятлари билан Бобурни эслатиб турса-да, ўз индивидуал қиёфасига эга бўлганини, ўзга шарт-шароит ва муҳитда яшаётганини ҳам эсда тутиш зарур. У бобоси Бобур ва отаси Ҳумоюн мирзолар сингари саргашталиқ азобини бошдан кечирмаган, ўзи туғилган юртдан мосуво бўлмаган.

Шунга қарамай, улар орасида муштарак жиҳатлар мавжуд. Булар жумласига ҳокимият ва инсон, муҳит ва шахс орасидаги кескин, шиддатли зиддиятлар ҳам киради. Акбар ҳам Бобур каби ўзининг қатъий ва шафқатсиз қонуниятлари, оқимларига эга бўлган давлат тизимининг ҳукмдор(инсон) шахсига нисбатан хуружу тазйиқларига рўпара келади ва нотанти, адолатсиз муҳит зарбаларига бардош беради.

Оталиқ Байрамхоннинг Акбарнинг подшоҳлик мавқеини чеклаш, ҳатто уни ҳокимиятдан четлаштиришга уринишлари, кўкалдоши Адҳамхоннинг ўз мансаби ва ҳуқуқларини суиистеъмол қилиши, энагаси Моҳимнинг ҳокимиятпарастлиги ва кибр-ҳавога берилиб кетиши бобурийзода қалбида ички зиддиятларни кучайтириши роман матнида психологик, мантиқий жиҳатдан, романнинг сюжет-композицион майдони мезонларига мувофиқ тарзда очиб берилган.

Давлат тизими, айниқса, унинг юқори пояларига дахлдорлик эътиқоди сушт, манфаатпараст, шуҳратсевар кишиларни эсанкиратиши, уларни ахлоқий меъёрлар, инсонийликка зид хатти-ҳаракатларни қилишга олиб келиши мумкин.

Табиатан ёвуз бўлмаган, бобурийлар сулоласига садоқатли, бу хонадон учун хизмат қилиб ишончга сазовор бўлган Байрам оталиқ, Моҳим энага, Адҳамхонларни ҳокимият, мавқе йўлдан адашишга олиб келади ва адашиш уларни ҳалокатга олиб келади.

Байрамхон Акбарга қарши ёмонликлари учун эгаллаган мансабидан маҳрум қилинади. Ҳажга кетаётганида, эски рақиблари томонидан ўлдирилади. Адҳамхоннинг ҳаёти ҳам фожиали якун топади. Ўғлининг доғига чидаёлмаган Моҳим энага оламдан кўз юмади. Мана шундай фожа, хиёнат, йўқотишлар Акбар иродасини заифлаштирмай, аксинча ундаги қатъият, матонат хислатларини кучайтиради.

Ёзувчи Акбар образида адолатли, иродали, истеъдодли давлат арбобининг асосий хусусиятларини мужассамлаштирган.

Акбар типидagi одил ва ўктам давлат арбоби образи фольклор, мумтоз адабиётдаги асарларда мавжуд. Бу ўринда классик эпос(эпопея)нинг баркамол намуналари: туркийларнинг “Алпомиш”[3], ҳиндларнинг “Маҳобҳорат”[4], юнонларнинг “Илиада”[5] каби асарлари марказида турувчи романтик қаҳрамонларни эслаш жоиздир.

Бу жойда биз қадимги санскрит тилида юзага келган ва Акбар туғилиб ўсган юрт бадий меросига оид эпослар – “Маҳобҳорат”, “Рамаяна” асарларидаги бош қаҳрамонлар бўлган – Рама ва Пандавлар сулоласининг донишманд намояндаси подшоҳ Юдҳиштҳира билан “Юлдузли тунлар” романидаги Акбар образлариаро айрим муштарак жиҳатлар хусусида гапирмоқчимиз.

“Рамаяна”, “Маҳобҳорат” билан “Юлдузли тунлар” орасидаги боғланиш-муштаракликлар ҳақидаги дастлабки фикр ўзбек адабиётшунослигида таниқли мунаққид У. Норматов томонидан айтилган эди [6]. Чиндан ҳам роман сюжети, хусусан, унинг Акбар билан боғлиқ матний бўлак(эпизод)ларида қадимий ва қудратли ҳинд эпосининг улуғвор руҳи, оқимлари, таъсирлари сезилиб турибди.

“Рамаяна”даги Рама, “Маҳобҳорат”даги Юдҳиштҳира тимсолида адолатли ҳукмдор ва мутафаккир инсон хусусиятлари бирлаштирилиб, уйғунлаштирилиб берилган. Рама ҳам, Юдҳиштҳира ҳам подшолик илми, маҳорати, давлатни бошқариш борасидаги тажрибаларни ўрганиш, саркардалиқ, жангчилик сабоқларини ҳар томонлама ўрганиш билан кифояланмай, инсоният асрлар давомида тўплаган дунёвий ва диний-илоҳий билимларни ҳам тўла-тўқис ўзлаштирганлар. Айниқса, Рама шахси ва фаолиятида буюк мутафаккирнинг энг олий ва юксак фазилатлари тажассум топган. Унинг қиёфаси, бутун

вужудида илоҳий нур балқиб туради. “Рамаяна”даги ижобий персонажлар уни маъбудлар билан бир қаторда кўриб, маслаҳат ва амрларини садоқат билан бажарадилар.

Рама тимсолида буюк ҳинд халқининг, шу билан бирга, башариятнинг комил инсон ҳақидаги орзу-умидлари мужассам бўлган.

Бундай мукаммал, идеал инсон – жангчи-саркарда ва фозил шахс образи Алишер Навоий бадиий меросида ҳам мавжуд. Унинг “Хамса”сидаги Фарҳод (“Фарҳод ва Ширин”), Искандар (“Садди Искандарий”) тимсоллари жаҳон фалсафий ва бадиий тафаккури, Шарқу Ғарб адабий-бадиий тажрибалари, жумладан, қадимий эпос (“Маҳобҳорат”, “Рамаяна”, “Илиада”, “Алпомиш”) намуналаридан таъсирланиш, шунингдек, буюк дostonнавис (А.Фирдавсий) ва хамсанавислар (Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий) бадиий тажрибаларини давом эттириш, адабий-бадиий жараён тарихининг янги босқичида уларни қайта ишлаб ривожлантириш натижаси бўлиб юзага келган.

“Юлдузли тунлар”даги Акбар образида жаҳон эпосининг олий намуналари бўлмиш “Рамаяна”, “Маҳобҳорат”, шунингдек, “Алпомиш” асарларидаги етакчи ижобий қаҳрамонлар билан бир қаторда буюк мутафаккир ва инсонпарвар ижодкор А. Навоий “Хамса”сидаги бош қаҳрамонлараро муайян алоқадорлик, боғланиш, робиталар борлиги адабиётлар, бадиий матн структуралари орасидаги муштараклик қонуниятларидан келиб чиққан ҳодисадир.

Турли тилларда, даврларда ҳар хил муаллифлар ёки халқлар томонидан яратилган бадиий адабиёт намуналарини инсонга, инсониятга хос табиий ва ижтимоий, психологик хусусиятлар, бадиий тафаккур муштараклиги, бадиий ижоднинг умумий қонуниятлари, шу билан бирга, адабий-бадиий ворисийлик-адабий таъсир каби омиллар ўзаро боғлаб яқинлаштирган.

Ҳиндистон – жаҳон тарихи, маданияти, илму фанининг қадимги масканларидан бири. Бу заминда туғилган, аммо шажаравий-генетик жиҳатдан Мовароуннаҳр(Туркистон) фарзанди бўлган темурийзода-бобурийзода Акбар ўз шахси, психологияси, ижтимоий-сиёсий фаолиятида ана шу икки замин, икки маданият, икки хил миллий тафаккурни ажабтовур бирлаштирган, уйғунлаштирган инсон ва давлат арбоби эди.

Тажрибали адиб ва шарқшунос П. Қодиров “Юлдузли тунлар” қаҳрамони Акбар шахсидаги ана шундай байналмилал уйғунликни кўра олган ва бу хусусиятни Акбар тимсолида санъаткорона тажассум эттирган.

Ҳинд дурдоналари саналмиш “Маҳобҳорат”даги Юдҳиштҳира, “Рамаяна”даги Рама билан ўзбек ёзувчисининг тарихий романидаги Акбарни бирлаштириб турган асосий белги-аломатлар қуйидагилардан иборат:

1. “Маҳобҳорат”, “Рамаяна”да, умуман, классик(мумтоз) эпос намуналари (“Илиада”, “Алпомиш” ва бошқалар)да бош ижобий қаҳрамон (Юдҳиштҳира, Рама...) ҳам жисмонан, ҳам ақлан, ҳам қалбан етук, баркамол, ҳар томонлама мукаммал инсон сифатида тасвирланган. Эпос қаҳрамонидаги мана шундай хусусият ва фазилатлар муайян даражада “Юлдузли тунлар”даги Акбар образида ҳам кўзга ташланиб туради. Бу ўринда қадимий эпос ва П. Қодиров романиро бевосита ва билвосита алоқадорлик мавжудлигини эътиборга олиш лозим.

Тўғри, тарихийлик принциплари асосида юзага келган ва реалистик адабиёт намунаси бўлган “Юлдузли тунлар” қаҳрамони қадимий эпос намуналаридаги марказий образлар каби идеал, “ўтда ёнмас, сувда чўкмас” инсонлар қаторига кирмайди. Эпопея(эпос) ва роман қаҳрамонлариаро муайян яқинлик, муштараклик бўлса-да, улар бир-бирларидан фарқланиб, ажралиб туради

2. “Рамаяна”, “Маҳобҳорат” ва “Юлдузли тунлар” қаҳрамонларида подшоҳ(хукмдор) ва мутафаккир инсон хусусиятлари уйғунлаштириб берилган.

Ҳинд эпосининг марказий образлари давлат, унинг моҳияти, вазифалари, давлат арбобларининг бурч ва мажбуриятлари, инсон, унинг табиат ва жамиятдаги ўрни, коинот, илоҳиёт, шахснинг суврати ва сийрати каби мураккаб фалсафий-илоҳий муаммолар ҳақида фикр юритадилар. Улар ўз ҳукмронлик фаолиятларини инсониятнинг азалий ва адолатли қонуниятлари асосида олиб борадилар ва ҳақиқатни олий маслак ва мақсад деб биладилар. Замин ва унинг келажаги, мангуликка дахлдорлик бу қаҳрамонларнинг доимий диққат марказида туради.

“Маҳобҳорат”нинг қаҳрамони Юдҳиштҳира Кауравларга қарши жаҳон урушида укаси Аржун самодаги маъбудлардан олиб тушган илоҳий, даҳшатли қурол Пандуларга ғалаба келтириши муқаррарлигини билса-да, уни ишлатишга шошилмайди. Чунки у ер юзини бутунлай вайрон қилиб, коинот тизимини ишдан чиқариши мумкин. Бу факт подшоҳ Юдҳиштҳиранинг замин, само, башарият олдидagi масъулиятни чуқур тушунадиган донишманд, кенг миқёсда фикрлайдиган инсон эканлигидан далолат беради.

“Рамаяна”нинг бош қаҳрамони эса Юдҳиштҳирадан ҳам мукаммалроқ, донороқ зот. У коинот, табиат, инсон уйғунлиги, муштараклигини ҳар томонлама англаган, ўз фаолиятини ҳақиқат ва адолат қоидаларига бўйсундирган.

Рама ҳам, Юдҳиштҳира ҳам ҳар қандай диний, мазҳабий низолардан юксак турган, умуминсоний ахлоқ ва муносабатлар, қонуниятлар асосида иш кўрувчи комил ва илоҳий зотлардир.

“Юлдузли тунлар” романидаги Акбарга мумтоз ҳинд эпосининг марказий қаҳрамонларига хос мамлакат, жаҳон, коинот миқёсида фикрлаш, ўз ҳукмдорлик фаолиятини теран тафаккур асосида олиб бориш, мураккаб фалсафий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий муаммоларга ечим излаш ва топилган ечимлар асосида ўз ишини йўлга қўйиш каби хусусиятлар хос. Акбар давлат арбоби, подшоҳ сифатида адолатли қонунлар асосида иш юритиш, ҳар хил низо ва адоватларни йўқотиш ҳокимият пойдеворини мустаҳкамлашини, акс ҳолда таназзул рўй беришини тушунади. Айниқса, дин, мазҳаб можаролари халқни, мамлакатни, давлатни ҳалокатга олиб боришини англаб, бундай зиддиятларни бартараф этиш йўллари излайди.

Акбарнинг ҳиндлардан олинадиган жузъа солиғини бекор қилиши, мамлакатдаги фуқароларнинг виждон эркинлигига рухсат бериши, бир неча динларни ўзаро бирлаштирувчи муштарак эътиқод яратишга уриниши кенг мамлакат, инсоният, коинот миқёсида фикрлайдиган инсон ва давлат арбоби эканлигидан далолат беради.

Тўғри, инсон ва замин фарзанди ҳамда реалистик роман қаҳрамони бўлмиш Акбар “асл эпос” – эпопеядаги етакчи образлардан фарқли равишда ўз ҳаёти, фаолияти давомида баъзи бир хатоларга ҳам йўл қўяди. Сарой хушомадгўйларининг таъсирида ўзини илоҳий бир зот – маҳдий деб ўйлайди. Баъзи бир яқин кишилари (Моҳим энага, Адҳамхон)га ортиқ даражада ишонади. Бу эса давлат, ҳокимият ишига, халқ ҳаётига салбий таъсир қила бошлайди.

Ёзувчи роман қаҳрамони Акбар характеридаги муайян нуқсон, адашиш ва руҳий-маънавий изтиробларни тасвир этиш орқали, бир томондан, тарихий шахс ҳаётидаги аниқ факт ва маълумотларга суяниб иш кўрган бўлса, иккинчи томондан, бадий образ, қаҳрамон бадий қурилмасида психологик, маданий-интеллектуал майдонни кенгайтириш, чуқурлаштириш, бу орқали сюжет динамизми (шиддаткорлиги), қизиқарлилигини таъмин этишга муваффақ бўлган.

Кучли, иродали ва ниҳоятда жасоратли Акбар ҳаётидаги қийинчиликларни ҳам, ўз феъл-саҳиясидаги нуқсонларни ҳам енгиллашга қодир шахс бўлган. “Авлодлар довоми”да қаҳрамоннинг ижтимоий фаолият ва шахсий ҳаёт, шунингдек, руҳий-маънавий оламидаги зиддият, тўсиқ ва хато-нуқсонларни енгиллаш ва ахлоқий-интеллектуал поклик босқичи томон кўтарилиши ишонарли ва тарихий ҳақиқат мезонларига мувофиқ кўрсатиб, тасвирлаб берилган.

Кўҳна ва буюк ҳинд эпослари қаҳрамонларига хос донолик, кенг ва оламшумул миқёсда фикрлаш, давлат, инсоният, инсонпарварлик манфаатлари йўлида ҳаракат ва фаолият Акбар қиёфаси, ички дунёси, суҳбат-мулоқотларида акс этиб туради. Шу билан бир қаторда, Акбар образининг бадий майдонида XVI аср – аниқ тарихий шарт-шароитда шаклланган адолатпарвар, инсоний давлат арбоби ҳамда улкан миқёсда фикрлайдиган етук инсоннинг, жангчи ва саркарданинг устувор хусусиятлари, белги-аломатлари мужассамлаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, роман қаҳрамонларидан бири бўлган Акбар тимсоли структурасида, шунингдек, тарихий романининг сюжети бирликларида, бадий ифодасида, образлараро муносабатларда, характерлар тизимида, умуман олганда, бадий матннинг фалсафий-поэтик тизимида у ёки бу даражада “асл эпос”, айниқса, “Рамаяна”, “Маҳобҳорат”га уйғунлик, яқинлик аломатлари сезилиб туради.

“Авлодлар довони” сюжети, қаҳрамон структураси, образларнинг воқеа тизимидаги ҳаракати, энг муҳими, бадиий концепциясида “асл эпос”(эпопея)нинг ҳам, роман-эпопея жанрининг ҳам муайян бир белги-хусусиятларини кўрса бўлади.

Асар бадиий концепцияси марказига худди “Алпомиш”, “Илиада”, “Рамаяна”, “Маҳобҳорат” эпосларидек, энг аввало, инсоният учун муҳим ва долзарб бўлган уруш ва тинчлик муаммоси қўйилган. Эпопеяда бўлганидек, романда мамлакат, башарият, халқ тинчлигини ўйлайдиган ва шу йўлда фаол ҳаракат қиладиган одамлар бир гуруҳга, аксинча уруш, низо, адоват туйғуси, мақсади билан яшайдиган кимсалар бошқа гуруҳга бўлинган. Мана шу гуруҳлараро ижтимоий-сиёсий, дипломатик, шахсий-эмоционал муносабатлар “Авлодлар довони”нинг асосий сюжет оқимини ҳам, етакчи бадиий конфликтини ҳам белгилаб берган. Бундан ташқари, романдаги анча кенг, батафсил жанг манзаралари, уруш жараёнида иштирок этаётган саркарда ва аскарларнинг хатти-ҳаракатлари, руҳий ҳолатлари, шунингдек, қаҳрамон ва персонажларнинг дунёқараши, улар эътиқод қўйган ёхуд рад этадиган таълимотлар, нуқтаи назарлар, фалсафий-интеллектуал, диний-ахлоқий мушоҳадаларда ҳам муаззам эпопеяга хос айрим белги-хусусиятлар мавжуд.

Масалан, Муҳаммад Ҳумоюн мирзонинг Ҳиндистондаги ота мерос салтанатидан маҳрум бўлиб, Афғонистон, Эрон каби мамлакатларда қувғинда, дарбадар юриши “Рамаяна”даги Раманинг, “Маҳобҳорат”даги Пандуларнинг ҳокимият ва давлат ишларидан маҳрум этилиб, ғурбатда умр кечиришларига монанддир.

Ҳинд эпоси намуналари ва ўзбек тарихий романи сюжети орасидаги яқинлик фақат шу билангина чекланиб қолмайди. Пандуларнинг узоқ муддатли машаққатли кураш ва жанг-жадаллардан сўнг қонуний ва меросий тож-тахтни қўлга киритишлари, Рамага қарши ўғай онаси – малика Кайки фитнасининг фош бўлиши, бу афсонавий-илоҳий қаҳрамоннинг жамики ёвузлик, қабоҳатларнинг тимсоли - девлар подшоҳи Раван салтанати устидан порлоқ ғалабаси “Авлодлар довони” романида мирзо Ҳумоюннинг дарбадарлик, хор-зорликлардан сўнг аввалги мавқеини тиклаб, Ҳиндистонга қайтиб келиб ўз ҳокимиятини тиклаши, унинг ўғли Акбарнинг оталиғи - хони хонон Байрамхоннинг ҳукмронликни эгаллаб олиш учун қилган хуружларини бартараф этиши воқеаларига муштарак.

“Асл эпос”нинг аксарият намуналари – “Рамаяна”, “Маҳобҳорат”, “Илиада”, “Алпомиш”да маъбуд ва маъбудалар, авлиёлар, чилтанларнинг руҳлари заминдаги воқеаларга, етакчи қаҳрамонларнинг ҳаёти, фаолияти, курашларига ёрдам берадилар, уларнинг тақдирига таъсир кўрсата оладилар.

Бу, биринчи навбатда, эпопея(эпос) ва роман жанрларининг, романтизм ва реализм ижодий методларининг тафовути билан изоҳланади.

Янги давр ва янгича тафаккурнинг меваси бўлган роман ўз бадиий ҳудудига заминий муносабатларни, инсонга, реал ҳаётга хос воқеаларни, оддий (ҳаётий) инсонлар образларини қабул қилди. Тўғри, роман, шу жумладан, тарихий роман бадиий майдонида ғайриоддий воқеалар, афсона, ривоятлар, илоҳий, мистик сиймолар иштирок этиши мумкин. Аммо бундай ҳодиса ва образларнинг иштироки, эпос(эпопея) жанри намуналарида бўлганидек, ҳал қилувчи, етакчи ўрин ҳамда аҳамиятга эга бўлмай, улар инсон тафаккури, дунёқараши билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Прагматик, диалектик дунёқараш таҳлил ҳудудига тортилади ва янги давр, янги инсон онг даражаси, интеллектуал савияси нуқтаи назаридан бадиий-фалсафий хулосалар, ечимлар ишлаб чиқилади.

Хулоса. Қайси бир маънода “Авлодлар довони” йигирманчи асрнинг биринчи чорагида юзага келган ва улуғ санъаткор Абдулла Қодирий тамал тошини қўйган ҳамда кейинроқ бутун Марказий Осиё бадиий майдонини қамраб олган “янги романчилик мактаби” тараққиётининг муайян бир давр (ўтган аср) бўйича адабий-бадиий изланишларни, йўл танлашлар, мазмун ва шакл бўйича тажрибалар йўлининг интиҳоси, якуни ҳам деса бўлади. У, авваламбор, муаллиф Пиримқул Қодиоровнинг ўзига хос ижодкорлик истеъдоди, изчил меҳнати, миллий, инсоний жасорати маҳсули бўлиб юзага келган.

Шунингдек, бу тарихий роман бадиий оламида 60-80 ҳамда 90-йиллардаги адабий-бадиий жараённинг, романчилик тараққиётининг бадиий-поэтик, фалсафий-диалектик савияси, анъана ва янгиликлари мужассам бўлган.

Бундан ташқари, бу романнинг бадиий структурал кенгликларида “асл эпос”(эпопея), жаҳон адабий-бадиий жараёни, айниқса, романчилигининг бадиий-поэтик, фалсафий тажрибалари, ютуқлари, бадиий принциплари ҳам ифода топган.

Шу тариқа Шарқ ва Ғарб адабиётларидаги илғор, қадимий ва замонавий адабий-бадиий анъаналар, тажрибалар миллий эстетик, фалсафий тафаккур захиралари, имкониятлари бирлашиб мозийнинг муайян бир даврдаги кенг, мураккаб, зиддиятларга тўлиб-тошган ҳаёти манзараларини кўламдор, бадиий-эмоционал тарзда реалистик ижодий методнинг тарихийлик мезонларига мувофиқ гавдалантиришга имкон яратиб берган.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – Б. 437.
2. Ўзбек миллий энциклопедияси. 12 томлик. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. 1-том. – Б. 170.
3. Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 400 б.
4. Маҳобҳорат (Бҳарата авлодлари жангномаси). – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – 170 б.
5. Ҳомер. Илиада. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б. 576.
6. Қодиров П. Ҳумоюн ва Акбар. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 9.

УДК: 894.375.(092)

КАМОЛОТНИНГ ОЛИЙ МАҚОМИ СТЕПЕНЬ ЗРЕЛОСТИ THE ALTITUDE OF MATURITY

Ҳайитов Шавкат Аҳмадович

Бух ДУ ўзбек филологияси кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Таянч сўзлар: бардошлилик, чидамлик, вазминлик, ширин сўзлик, хушмуомалалик, совуқонлик, меҳрибонлик, лутф, тавозуъ, камтаринлик, хато, кечиримлик, раҳм, меҳр, шафқат.

Ключевые слова: усидчивость, выносливость, сдержанность, красноречие, вежливость, хладнокровие, милосердие, уважение, покорность, смиренный, ошибка, прощение, жалость, доброта, милость.

Key words: perseverance, endurance, temperance, oratory, politeness, selfpossessiveness, graciousness, respect, obedience, submissive, error, forgiveness, compassion, kindness, mercy.

Мақолада Алишер Навоийнинг устози ва дўсти Саййид Ҳасан шахсида мужассамланган комил инсонга хос фазилятлар таҳлил қилинган.

В статье анализируются характерные черты наставника Алишера Навои и друга Саида Хасана.

The specific perfectman features of Alisher Navai's mentor and friend Said Khasan are analysed in the article.

Кириш. «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»да қайд қилинишича, Алишер Навоий хижрий 860 (1455/56) йилда Саййид Ҳасан билан танишади. Алишернинг 14-15 ёшларида бошланган самимий ва садоқатли бу дўстлик Саййид Ҳасан ҳаётининг ниҳоясига қадар давом этган. Улар ўртасидаги муносабат устозу шогирдликдан, ота ва ўғиллик мақомига кўтарилган.

Чин дўстлик жуда камдан кам кишиларга насиб этадиган ноёб инсоний гўзаллик ҳисобланади. Алишер Навоий эътиқодига кўра, ибодат билан ҳамжинс бўлган танада нафс маҳв қилинади. Жисм нафс макридан қутула олмас экан, у тоат-ибодат билан жинсдош бўла олмайди.

Чин дўстлик сийратан жинсдошлик ҳосиласидир. Чунки жинс ўз жинсидан завқ ола билади. Кўнгил ўзига мувофиқ кўнгилдан сув ичса қонади ҳамда зилолдан фароғат туяди. Суратпараст бир кимсанинг аҳли дил инсон билан тасодифий дўстлиги ҳеч бир замонда